



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2025 yil « 8 » октябрь

№ ПФ–181

Иссиқхона хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва экспорт ҳажмини кўпайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳажмини кўпайтириш, иссиқхона хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда янги захира ва имкониятларни ишга солиш мақсадида қарор қиламан:

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар **2025–2027 йилларда** мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳажмини ошириш, иссиқхона хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда қўшилган қиймат занжирини яратишнинг **асосий мақсадли кўрсаткичлари** этиб белгилансин:

(а) мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ҳажмини 2026 йилда – **3,5 миллиард АҚШ доллари**, 2027 йилда **4 миллиард АҚШ долларига** етказиш;

(б) иссиқхона хўжаликларини табиий газ билан кафолатли таъминлаган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажмини 2026 йилда – **620 минг тоннага**, 2027 йилда **670 минг тоннага** етказиш, ушбу маҳсулотларнинг экспорти ҳажмини **30 фоиздан 70 фоизга** ошириш;

(в) 2026 йилда қўшимча аниқланган **20 минг гектар**, 2027 йилда **15 минг гектар** дала четига мевали кўчат ва сабзавотлар экишни ташкил этиш;

(г) органик маҳсулот етиштириладиган ер майдонлари ҳажмини 2026 йилда – **20 минг гектарга**, 2027 йилда – **25 минг гектарга**, “Global GAP” халқаро стандартлари асосида сертификат олинган ер майдонлари ҳажмини эса 2026 йилда **10 минг гектарга**, 2027 йилда **15 минг гектарга** етказиш.

- II. Иссиқхона хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини самарали йўлга қўйишга кўмаклашиш**
- 2. Иссиқхона хўжаликлари узлуксиз ишлашини таъминлаш учун уларга қуйидаги имтиёзлар берилсин:**
- (а)** иссиқхона фаолиятдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг камида 60 фоизини ташкил этган тадбиркорлик субъектлари учун **2026 йил 1 январдан бошлаб 2028 йил якунига қадар ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз** этиб белгиланади;
- (б)** фаолият юритаётган иссиқхона хўжаликларининг **2025 йил 1 октябрь ҳолатига** мавжуд солиқ қарзи юзасидан **тўлов муддати** фоизларни ҳисобламаган ҳолда **2028 йил якунига қадар** узайтирилади ҳамда ушбу солиқ қарзи 2029 йилнинг ҳар чорагида тенг улушларда тўланади. Бунда солиқ қарзини ундириш бўйича:
- (i)** иссиқхона хўжаликларига қўлланган маъмурий ва молиявий **жарималар** ҳамда барча ҳисобланган **пенялар** тўлиқ ҳисобдан чиқарилади;
- (ii)** иссиқхона хўжаликлари банк ҳисобварақларига қўйилган **инкассо топшириқномалари** чақириб олинади;
- (в)** юридик ва жисмоний шахсларнинг иссиқхона хўжаликлари бўйича **ер солиғи** ер фонди тоифасидан қатъи назар **қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар учун белгиланган солиқ ставкаларида** ҳисобланади. Бунда қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун солиқ ставкаларида ҳисобланган ер солиғи суммаси **2025 йил январдан қайта ҳисоб-китоб қилинади**;
- (г)** кредит мажбуриятлари бажарилмагани сабабли тижорат банклари балансига ўтган иссиқхоналар ва гаров таъминотида бўлган кўчмас мулк объектларини реализация қилиш бўйича айланмалар **2028 йил 1 январга қадар** қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод этилади, шунингдек, мазкур мулклар тижорат банклари балансига қабул қилинган вақтдан янги ташаббускорга сотилгунга қадар бўлган давр мобайнида ер солиғи тўлашдан озод қилинади;

- (д) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларида қурилган иссиқхона мажмуаларини фойдаланишга қабул қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда Ер кодексининг 43-моддасига асосланган ҳолда мазкур ер участкаларини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан чиқариш талаб этилмайди, ушбу мажмуалар ва улар жойлашган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин тижорат банклари томонидан уларни кредит таъминоти сифатида қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди;
- (ж) иссиқхона хўжаликлари учун ажратилган ер майдонининг 5 фоизи, лекин 20 сотихдан ошмаган қисмига қишлоқ хўжалиги ерлари тоифасини ўзгартирмаган ҳолда **иссиқхона инфратузилмасини** (қозонхона, маҳсулотларни саралаш ва қадоқлаш, иссиқхона эҳтиёт қисмларини сақлаш, хизмат бинолари) **барпо қилишга** рухсат берилади.

3. Тижорат банклари:

- (а) **бир ой муддатда** мавжуд иссиқхона хўжаликларини хатловдан ўтказсин ҳамда хатлов натижаларига кўра истиқболли деб топилган иссиқхона хўжаликларига **2025 йил 1 октябргача** ажратилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликлар тўлов графикларини келгусидаги пул оқимларидан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқсин ҳамда ҳосил бўлган пеня суммаларини ҳисобдан чиқарсин;
- (б) тижорат банклари ҳузуридаги инвестиция компаниялари орқали қарздорлик ҳисобига **банклар балансига** олинган иссиқхона мажмуаларини салоҳиятли инвесторларга бозор қийматида тўғридан-тўғри сотиш чораларини кўрсин. Бунда **2027 йил якунига қадар** қуйидагиларга рухсат берилади:
- (i) тижорат банкларига ва улар ҳузуридаги инвестиция компанияларига ваколатли давлат органининг розилигисиз қарздор иссиқхона хўжаликлари устав капиталида улушга эга бўлишга ёки янги хўжалик юритувчи субъектлар ташкил қилишга;
- (ii) тижорат банклари ҳузуридаги инвестиция компаниялари ҳамда уларнинг улуши жами 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектларга иссиқхона мажмуалари фаолиятини тиклаш жараёнида тўғридан-тўғри харидларни амалга оширишга.

4. Иссиқхона хўжаликлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингидан қатъи назар **2030 йилга қадар қуйидаги молиявий имтиёзлар** жорий қилинсин:

(а) Кредит фоиз харажатларини компенсация қилиш жамғармаси ҳисобидан:

(i) иссиқхона хўжаликлари лойиҳаларининг бизнес-режасидаги иш ўринларини яратиш ва маҳсулотлар реализациясидан тушум каби кўрсаткичлар бажарилишининг ўртача миқдори 2025–2027 йилларда **30 фоиздан** ва 2028–2029 йилларда **50 фоиздан** юқори бўлган иссиқхона хўжаликларига “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти томонидан ажратилаётган компенсация ёрдами қайта тикланади ва тўлаб берилади;

(ii) **2025 йил 1 октябрга қадар** иссиқхона йўналишида ажратилган кредит (лизинг)лар миқдоридан қатъи назар барча тоифадаги тадбиркорлик субъектларига ҳисобот оyi якунида муддати ўтган қарздорликлар мавжуд бўлмаган тақдирда, хорижий валютада ажратилган кредит фоизининг **4 фоиз** пунктдан юқори қисми, миллий валютада ажратилган кредит фоизининг **14 фоиз** пунктдан юқори қисми компенсация қилиб берилади;

(iii) мазкур кичик банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган имтиёзлар бир вақтнинг ўзида қўлланишига йўл қўйилмайди;

(б) Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан иссиқхона хўжаликларига ҳосил қийматининг **50 фоизи** миқдорида айланма маблағларни тўлдиришга, шунингдек, чанг-газ тозалаш ускуналарини ўрнатишга **12 ой** муддатга йиллик **14 фоиз** ставкада (*шундан 4 фоиз банк маржаси*) имтиёзли кредитлар ажратилади;

(в) иссиқхона хўжаликлари томонидан Энергия самарадорлигини ошириш рақамли платформаси орқали харид қилинган иссиқлик насосларини ўрнатиш харажатларининг **20 фоизгача қисми** Энергия самарадорлигини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари **бир ой муддатда** иссиқхона хўжаликлари билан тузилган ер ижара шартномалари муддатини кредит муддатларига мутаносиб равишда узайтириш чораларини кўрсин.

6. Белгилансинки, табиий газда ишлайдиган иссиқхона хўжаликларига **октябрь–март ойларида** ҳар ой учун **50 фоиз** олдиндан тўловлар асосида табиий газ кафолатли ҳажмда етказиб берилади.

7. Энергетика вазирлиги:

(а) ҳар йили 1 октябрга қадар (2025 йил учун 10 кун муддатда) мазкур Фармоннинг 6-бандида белгиланган шартларда табиий газни етказиб бериш бўйича шартномалар тузилишини таъминласин. Бунда шартномаларда табиий газ етказиб берилмагани натижасида йўқотилган ҳосил учун етказиб берувчи томоннинг жавобгарлиги аниқ белгилаб қўйилишга эътибор қаратилсин;

(б) амалда барпо этилган иссиқхона хўжаликлари тижорат банклари балансига ўтказилган ёки янги инвесторга сотилган ёхуд бошқача тарзда самарали фойдаланиш учун берилганда (шу жумладан, республиканинг бошқа ҳудудларига кўчирилганда), шунингдек, янги иссиқхоналар ташкил этилганда, ушбу иссиқхоналар учун техник шартлар белгиланган тартибда 10 кун муддатда тақдим этилишини ҳамда уларнинг газ ва электр тармоқларига уланишини таъминласин.

8. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппаратида вазирлик тизимига ажратилган амалдаги штат бирликлари доирасида **иссиқхона хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича таркибий бўлинма** ташкил этилсин ва унга иссиқхона хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириш, соҳада мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилсин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Марказий банк билан биргаликда халқаро консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда **икки ой муддатда** иссиқхона хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган **дастурни** ишлаб чиқсин. Бунда самарали бошқарув тизимини йўлга қўйишга масъул ташкилот таъсис этиш кўзда тутилсин.

10. Иссиқхона хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган **дастурни** ишлаб чиқиш ишларини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 4 октябрдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятига рақамлаштиришни кенг жорий этиш ҳисобига бошқарув штат бирликлари сонини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–178-сон Фармони билан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотлардан қисқартирилган штат бирликлари ҳисобидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида **6 та штат бирлигидан** иборат **лойиҳа офиси** ташкил этилсин.

III. Мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини ошириш

11. Белгилансинки:

- (а) экспорт қилинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари учун **минимал экспорт нархларини белгилаш амалиёти** бекор қилинади;
- (б) дуккакли экинларни йиғиш техникасини харид қилган тадбиркорлик субъектларига Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан техника қийматининг **15 фоизи** ҳамда лизинг ва кредит ставкасининг **10 фоиздан ошган қисми** қоплаб берилади.

IV. Ташкилий чора-тадбирлар ва мазкур Фармон ижросини таъминлаш

12. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги:

- (а) Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда **2025 йил якунига қадар**:
 - (i) озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича **лаборатория таҳлилларини** ўтказиш ҳамда **халқаро сертификат бериш тизимини** жорий қилиш юзасидан хорижий компаниялар билан келишувга эришиш чораларини кўрсин;

(ii) импортчи хорижий давлатларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича талабларига мувофиқ карантин остидаги маҳсулотларни (хўл ва қуритилган) республикадан экспорт қилиш учун маҳсулот таркибидаги пестицид ва нитрат қолдиқ миқдорларини аниқлаш бўйича лаборатория таҳлилини ўтказиш тизимини жорий қилсин;

(б) Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги, “Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **2025 йил 15 октябрга қадар** мавжуд **200 дона** бошоқли дон ўриш комбайнларини дуккакли маҳсулотларни йиғиб олишга мослаштириш ҳамда дуккакли маҳсулотларни етиштирувчиларга бириктиришни ташкил қилсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда:

(а) Солиқ қўмитаси билан биргаликда иссиқхона хўжаликлари учун берилаётган солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини;

(б) Энергия самарадорлиги миллий агентлиги билан биргаликда иссиқхона хўжаликлари томонидан Энергия самарадорлигини ошириш рақамли платформаси орқали харид қилинган иссиқлик насосларини ўрнатиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги бир ой муддатда иссиқхоналарни иситишда экологик талабларни бузган субъектларга нисбатан кўриладиган чораларни кучайтириш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

- 16.** Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж. Ходжаев ва Ж. Қўчқоров, қишлоқ хўжалиги вазири И. Абдурахмонов, Солиқ қўмитаси раиси Ш.Кудбиев ҳамда давлат улуши мавжуд тижорат банклари раислари белгилансин.
- 17.** Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси
Хукуматининг айрим ҳужжатларига киритилаётган
қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 январдаги “Пахта хом ашёсини етиштириш ва сотишда бозор механизмларини қўллашни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–7-сон Фармонининг 2-банди қуйидаги мазмундаги “д” кичик банд билан тўлдирилсин:

“д) фьючерс ва форвард шартномаларида белгиланган пахта хомашёси ҳажмидан ортиқ қисмига ҳам мазкур шартномалар асосида ҳисоб-китоблар амалга оширилишига рухсат берилади”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 12 августдаги “Қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий технологияларни жорий этишни янада жадаллаштириш орқали самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–130-сон Фармони 2-банди “а” кичик бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“(iii) 2027 йил ҳосилдан бошлаб рухсат этилган фойдаланиш турларига асосан бир нечта турдаги экинларни экиш режалаштирилган тақдирда, Агропорталга ер участкасининг 90 фоиз қисмига белгиланган экин турларини жойлаштириш бўйича маълумотлар, пахта ва бошоқли донни етиштириш режалаштирилган тақдирда – ер участкасининг 45 фоиз қисмига пахта, қолган 45 фоиз қисмига бошоқли дон жойлаштиришга оид маълумотлар киритилади. Бунда ер участкасининг қолган 10 фоиз қисмига қишлоқ хўжалиги ташкилотларига исталган экинларни экишга рухсат берилади (2026 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги ташкилотлари томонидан экин турларини жойлаштириш мустақил улушларда амалга оширилади)”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 29 февралдаги “Республикада мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 107-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

